Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 55 (7. 144) 1990 йил 7 март, чоршанба Баҳоси 3 тийин

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ОНАЛАР, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!

ДЕПУТАТ, ИШЧИ, ОҚИЛА БЕКА

Ҳар байрам меҳнат аҳли учун ўзига хос сарҳисоб саналади. Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами ўтган сайловларда депутатликка сайланган ва бу йилги сайловлар муносабати билан ваколати тугаган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари учун чинакам сарҳисоб, янги сайланган депутатлар учун эса режалар даври бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз сайловларда эл ишончини қозонган, ҳозирда жойларда жамоатчилик фаолиятини бошлаб юборган халқ депутатларидан бир нечтасига келажак режалари ҳақида гапириб беришини илтимос қилди.

Мукаррам ОЧИЛОВА,

Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадир-новатори.

— Фурсатдан фойдаланиб, аввало, менга катта ишонч билдирган 11-Шодлик сайлов округи сайловчиларига чин дилдан раҳмат айтаман. Улар орқали бутун республика меҳнаткашларини байрам билан муборакбод этаман.

Халқимизда «Ассалому алайкум» деган сўзга «ваалайкум ассалом» билан жавоб бериш одати бор. Демак, бугун сайловчилар менга ҳурмат билдиришган экан, шу иззатга яраша меҳнат қилиб, улар ишончини қозонишни ўз бурчим деб биламан.

Режаларимдан энг биринчиси корхонамизда ишлаётган аёллар меҳнатини бироз бўлса ҳам енгиллаштириш. Жумладан, иш жойининг ўзида маиший комбинатлар очиш, магазинлар сонини кўпайтириш, шунингдек, янги болалар боғчасини қуришдек хайрли ишга қўл урсам дейман. Агар мана шу шароитлар яратилса аёллар жонига анча оро киради.

Яширмайман, бу йилги байрам мен учун чинакам қувончли бўлди. Уч ойлик режамни муддатидан илгари адо этдим.

Александра КЛЕПИКОВСКАЯ,

шаҳар Советининг депутати, 1-тажриба механика экспериментал заводининг оператори.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари халқ депутатларига Мурожаати»даги сўзлардан тегишли хулоса чиқаришимиз керак. Халқ ўзи сайлаган ишончли кишиларидан кўп нарса кутаяпти. Қолаверса, сайловолди учрашувларида ўзимиз ҳам хўб ва кўп ваъдалар бердик. Улар қоғозда қолиб кетмасин учун зудлик билан ишга киришмоқ керак. Биламан, ҳозир «Ҳўш, нимадан бошламоқ керак?» деган савол кўпчилик депутатлар олдида кўндаланг бўлиб турибди. Ишни планли равишда олиб борган киши янглишмайди. Фақат муҳимини билмоқ керак. Мавсумий ишларнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Масалан айтайлик, ҳозир баҳор фасли бошланди. Ишончим комилки, ҳар бир депутатнинг дастуридан шаҳарни ободонлаштириш масаласига кенг эътибор берилган. Шундай экан, ҳозирда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланмоқ керак.

Нина ГАБРЕЛЯН,

шаҳар Советининг депутати, Тошкент телефон-телеграф станциясининг электр монтёри.

— Байрамни ёруғ юз билан қутиб олаяпман. Ҳаётимдаги яна бир қувончли воқеа — шаҳар Советига депутат бўлиб сайланишим. Лекин бу юксак ном зиммамга катта масъулият юклашини ҳам биламан. Умуман, ўз ишини яхши билган, давр билан қадам ташлайдиган, меҳнатга чанқоқ одам ҳар қандай масъулиятдан чўчимайди. Энг муҳими тинчлик ва хотиржамлик бўлса бас. Қолаверса, хотиржамлик бўлсагина ҳар қандай шодиёна ҳам дилга ва юртга татийди. Истардимки, байрам ҳар бир хонадонга чинакам бахт келтирса, бир-биримизни очиқ чеҳра, саҳий қалб билан муборакбод этсак.

Суҳбатни

М. КОМИЛЖОНОВ ёзиб олди.



⊙ КАСБГА САДОҚАТ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида чорак асрдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган Насиба Парпиева.

Р. Шарипов сурати.



⊙ Сизларга ҳамиша бахт ёр бўлсин!

Т. Каримовнинг суратли лавҳаси.

Долзарб мавзуда суҳбат

ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

⊙ Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, онла, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш программасини ишлаб чиқишга киришилди. Бу ишда иқтисодиёт ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий сиёсат ва маданият соҳаларининг, министрлик ва идораларнинг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда.

ЎзТАГ мухбири Н. Полянскаянинг программанинг асосий йўналишларига доир саволларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хотин-қизлар, онлани, оналик ва болалнкни муҳофаза қилиш ишлари бўлимининг мудири О. С. Аббосова жавоб беради.

— Ойдин Солиҳовна, давлат программаси қандай муаммоларни кўзда тутиб, ҳал этади ва қайси муддатда бу программа амалга оширилади?

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш масаласи устун йўналишга эга бўлиб бормоқда, бу эса тасодифий эмас. Онла билан, жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, меҳнатни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ кўпгина ижтимоий муаммолар ҳақида узоқ вақт лом-мим дейилмади. Бизнинг кўпгина иллатларимизнинг сабаб ва оқибатлари шунда эмасмикан?

Афсуски, бизда хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги шиорий сийқа тушунча таркиб топди. Амалда эса мутлақо бундай эмас. Боз устига, аёллар ишлаб чиқаришда эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилишмоқда, она, уй бекаси, рафиқа бўлишдек кўпдан-кўп мажбуриятлар улар зиммасида. Ўзбекистоннинг кўп болали оилаларнинг аксарияти яшайдиган қишлоқ жойларида энг оддий турмуш шароитининг йўқлиги аёлларнинг қарамлигини янада кучайтиради, унинг ва фарзандларининг соғлиғини заифлаштиради. Шунинг учун ҳам республикамизда оналар ва гўдаклар ўлими ҳамон юқори даражада эканлиги бежиз эмас. Хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилиши билан бирга онлага тегишли ижтимоий-маиший шароит яратиб берилмаётганлиги ачинарлидир. Бизда ҳамон болалар боғчалари, тиббий муассасалар, новвойхоналар, дўконлар, ҳатто ҳаммомлар етишмаяпти.

2005 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли давлат программаси ана шу муаммоларнинг ҳаммасини қамраб олади. Мазкур программа келгуси йилданоқ амал қила бошлайди. Программа хотин-қизларнинг ҳозирги жамиятда ижтимоий ҳимояланиши боғлиқ бўлган асосий муаммоларни ҳал этишни таклиф қилади. Бу — ижтимоий ишлаб чиқаришда оқилона банд бўлишни, меҳнатни ва соғлиқни муҳофаза қилиш, тегишли маиший қулайликларнинг, айниқса чекка жойларда вужудга келтирилишини ва албатта, болаларни нормал тарбиялаш учун шарт-шароитларнинг яратилишини билдиради. Программада оилаларга давлат йўли билан пул ва уй-жой, тиббий ва маданий ёрдам бериш кўзда тутилган. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоси программада катта ўрин эгаллайди.

(Давоми 2-бетда).

СИЗ, МУНИСЛАР УЧУН

⊙ БУГУН «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси хотин-қизларимиз учун баҳор либосларини тайёрлашга киришди. Бу ерда тўрт хил замонавий плашчлар тайёрлана бошланди. Айни кунларда маҳсулот намуналари билан корхонанинг фирмали савдо дўконида танишиш мумкин.

Корхонанинг Индира Ганди номли маданият саройи ҳам қайта таъмирланиб, байрам арафасида чеварлар ихтиёрига топширилди. Бу ерда эртага «Қизил тонг» юлдузлари беллашуви бўлиб ўтади.

⊙ТОШКЕНТ кўн-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси янги сумкачалар ишлаб чиқаришга киришди.

БУГУН бу маҳсулотлар корхонанинг ихтисослашган савдо дўконига чиқарилди. Жамоа баҳор байрами арафасида 1 минг 300 дона ана шундай сумка тайёрлайди.

⊙ БУГУН Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси хотин-қизларимиз учун совға тайёрлади. Бу уч қисмдан иборат шкафли кўзгу бўлиб, аввалгиларидан фарқ қилади. Бежирим ва ихчам ишланган бу маҳсулот аёлларимиз пардоз-андозига мослаштирилган.

⊙ Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Тошкент геология қидирув заводи жамоаси ҳам пластмассадан тайёрланган зираклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шундай зираклардан 36 мингтаси тайёрланди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

АҲОЛИ ИСТАГИГА КЎРА

⊙ КИРОВ районининг «Янгиариқ» маҳалла аҳолисига Қизил ярим ой жамияти томонидан қулайлик яратилди. Маҳаллада жойлашган поликлиника бўлимидан жой ажратилиб, ҳозирги давр даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, кўп болали оналар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга турли тиббий ёрдам берилади. Бу ерда малакали ҳамшира беморнинг касаллигига қараб мутахассис шифокорларни таклиф этиш ҳуқуқига эга. Сарф-харажатларга Қизил ярим ой жамияти маблағ ажратади.

Шуниси қувончлики, хонанинг таъмирлаш ишларини маҳалла аҳли ҳашар йўли билан бажарди.

Бугун Қизил ярим ой жамияти томонидан ташкил этилган тиббий ёрдам масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда мазкур жамият вакили Л. В. Астахова маҳаллада кам таъминланган оилалардан 7 кишига 100 сўмдан ёрдам пули улашди.

ЗАМОНАВИЙ ВА ХУШБИЧИМ

⊙ ХАЛҚАРО хотин-қизлар куни шарафига «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси либосларининг илк нусхасини тайёрлаш бўлимида янги аёллар кўйлагини тайёрлашга киришилди. Жамоа баҳор байрамига 200 дона ана шундай замонавий кўйлак тайёрлайди.

МУҲОКАМАДА— ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

⊙ ФРУНЗЕ районида 63 мингдан ортиқроқ хотин-қиз маҳалла, муассаса, ташкилот ва ўқув юртларидаги 212 ўз бошланғич ташкилотига бирлашган. Улар бирмунча хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, Конституция номли маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг фаоллиги эътиборга сазовордир. Район хотин-қизлар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич ташкилотлар фаолларидан С. Ҳамидова, М. Абдуллаева, А. Содиқова, Н. Ёқубова, А. Калинкина, Л. Тукалова ва бошқалар қайта қуришнинг ҳозирги даврида аёлларимиз олдида турган муҳим вазифалар, муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталдилар. Аёллар турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан талайгина таклифлар айтилди. Жумладан, кўп болали оналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, меҳнат отпускалари кунини ошириш, иш соатларини камайтириш, аёлларни пенсия ёшларини кўриб чиқиш зарурлиги айтилди.

Конференцияда Тошкент шаҳар хотин-қизлар билан ишлаш кенгашининг раиси Ҳ. Қодирова, район ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Низомовлар ҳам сўзга чиқдилар.

Делегатлар қабул қилган мурожаатда шу куннинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Район хотин-қизлар кенгашининг ташкилий пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда А. Тешабоева район хотин-қизлар кенгашининг раиси этиб сайланди.

Ф. АБДУРАҲИМОВА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

⊙ КЕЧА Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилмоқда.

32-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советининг депутати Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси этиб сайланди.

37-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советининг депутати Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлими мудирининг ўринбосари А. В. Гончарова Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари этиб сайланди.

205-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советининг депутати Ш. Р. Шоабдураҳимов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

Тонгги газеталарда

⊙ СССР Олий Совети «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларини кўчга киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бугун газеталарда мазкур қарор ҳамда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асослари»нинг матни эълон қилинган.

⊙ «Озарбайжон ССРдаги ва Арманистон ССРдаги аҳвол ҳамда бу региондаги вазиятни нормаллаштириш тадбирлари ҳақида» СССР Олий Советининг қарори берилган.

⊙ Кремлда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Кеча делегатлар «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездигача қолган кунларда СССР Олий Советининг аъзолари комитетларда ва комиссияларда ишни давом эттирадилар. «Правда» мухбирларининг бугун берилган сессия ҳақидаги ҳисоботлари «Мулкчилик эркинлиги учун» деб номланади.

БМТга кўмаклашувчи уюшма ташкил қилинди

Ўзбекистон ССРда БМТга кўмаклашувчи уюшманинг таъсис конференцияси 6 март куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлиб ўтди. Унда фан ва маданият арбоблари, республика жамоат ташкилотларининг, министрликлари ва идораларининг вакиллари иштирок этишди.

Уюшманинг асосий вазифаси республиканинг тинчлик учун курашдаги ва БМТ бўлинмалари ишидаги иштирокини кучайтириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш, шунингдек БМТ фаолиятини тарғиб қилишда кўмаклашишдан иборатдир.

Конференцияда Ўзбекистон ССРда БМТга кўмаклашувчи уюшманинг устави қабул қилинди.

Уюшманинг раҳбар органлари сайланди. Тарих фанлари доктори, ТошДУ профессори Г. А. Ҳидоятов унинг раиси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

8 март



ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Сиз программа ҳақида умумий тушунча бердингиз, булар истиқболдаги масалалар. Лекин муштарийларни хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш борасида бугунги кунда кўрилаётган конкрет чора-тадбирлар қизиқтирмоқда. Айтайлик, ишлаб чиқариш соҳасида, бошқа масалаларда қандай реал қадамлар қўйилди?

— Ўзбекистонда ишга жойлаштириш муаммоси — энг ўткир муаммолардан биридир. Бугунги кунда меҳнатга яроқли ёшдаги аёлларнинг атиги 57 фоизи республика халқ хўжалиги тармоқларида банд, айни вақтда мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил этади. Рақамлар масаланинг моҳиятини кўрсатиб турибди. Ҳозирги вақтда республикада қарийб 9 миллион киши, ёки бутун аҳолининг 45 фоизи қашшоқлик даражасидан ҳам ёмон аҳволда яшамоқда. Ишлашни истаётган аёларни иш билан таъминлаш масаласи биз учун ижтимоий-сиёсий масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга иқтисодий тус олмоқда. Туғилиш даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларда иш билан таъминланиш айниқса ташвишли аҳволда. Болтиқбўйи республикаларидаги оилаларда 1—2 нафардан бола бўлса, бизда 6—7 нафардан бола бор. Турмуш даражасидаги бунчалик катта тафовут ҳам ана шундан келиб чиқади, чунки неъматларни катта оилада тақсимлашга тўғри келади-да.

— Бу муаммолардан қандай чиқиш мумкин?

— Программада қишлоқ жойларда янги иш ўринлари — тикувчилик ва трикотаж фабрикаларининг филиалларини тузиш, касаначилик кенг тармоқларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда республикамизда қарийб 20 минг касаначи бўлиб, ана шундай жадвалда меҳнат қилишни истовчилар эса неча ўн минг кишидир. Афсуски, касаначиликни ривожлантиришни орқага тортувчи сабаблар бор. Бу модий-техника таъминотидаги мураккабликлардир — тикув ва тўқув машиналари, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асбоб-ускуналар ниҳоятда етишмайди. Биз СССР Министрлар Советига қишлоқ хотин-қизларини касаначиликка янада кенгроқ жалб этиш учун ана шундай ускуналар ва хом ашёларни қўшимча равишда ажратиб беришларини сўраб, мурожаат қилдик.

Айни бир вақтда мамлакат ҳукумати олдига даладаги барча қўл меҳнатига тўланадиган ҳақни ошириш масаласини қўйдик. Бугунги кунда республиканинг аграр секторида 800 мингдан ортиқ хотин-қиз машғул бўлиб, улар қишлоқ хўжалигидаги қўл меҳнатининг деярли барчасини бажарадилар. Дала ишларига жуда оз ҳақ тўланади, бу иш эркаклар учун нуфузли эмас. Бундай «Меҳнат тақсимоти»нинг натижалари аянчлидир. Тиббий текширувлар шуни кўрсатдики, пахтага қўлда ишлов бериш ва уни қўлда териб олиш ёш аёл организмини жуда нохуш ўзгаришларга олиб келади.

Ижтимоий инфраструктура ниҳоятда паст даражада ривожланганлиги туфайли ҳам қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг аҳволи мураккаблашган. Шу кунгача кўпгина аҳоли пунктларида ташиб келтириладиган сувдан, артезиан қудуқлардан, кўпинча эса ариқлардан фойдаланадилар. Қишлоқ аҳоли пунктларининг атиги бир фоизи канализация тармоқларига эга, қишлоқликлар уйларининг атиги 14,5 фоизи газлаштирилган. 3500 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари соғлиқни сақлаш ва савдо муассасаларига муҳтож. Медицина кадрлари билан таъминланганлик даражасига кўра, Ўзбекистон Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турибди. Мен кечиктирмай ҳал қилинадиган муаммоларнигина санаб ўтдим.

— Лекин уларни ҳал этиш учун жуда катта капитал маблағлар талаб қилинади. Бу маблағларни қаердан олиш керак?

— Тўғри, бу жўн масалалар эмас, албатта. Уларни дарҳол ҳал этиб бўлмайди. Аммо баъзи бир нарсаларни шу бугуноқ амалга ошириш мумкин. Шу йилнинг ўзидаёқ кам таъминланган оилалар ва ҳомиладор аёлларга, бошланғич синфларнинг ўқувчиларига, ногиронлар ва қарияларга, студентлар ва маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ходимларига ёрдам бериш учун давлат, партия маблағлари ҳамда бошқа бюджетлар ҳисобидан бир миллиард сўмдан ортиқ пул ажратилди.

Хусусан, оналарга турли тўловлар ва имтиёзлар учун анчагина маблағ берилмоқда. Бу йилги планда 1—5-синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта уюштириш учун 64,4 миллион сўм, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёлларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар бериш учун 36,6 миллион сўм, болани парвариш қилиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпускани бола бир ярим ёшга етгунига қадар кўпайтиришга 110 миллион сўм пул ажратиш кўзда тутилган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари ҳал этилишини кутиб турибди. Кўп болали оилаларнинг аксарияти истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш оилавий врачлар ва медицина ҳамшираларини ташкил этиш йўлида ривожлантирилиши кераклигига ишончим комил. Бу борада Фарғона водийси қишлоқларида дастлабки тажриба орттирдик. Бу йил кўп болали оилаларга (10—15 оилага битта ҳамшира) хизмат кўрсатиш учун патронаж меҳр-мурувват ҳамшираларини ташкил этиш йўлида бошлади. Хизматни Республика Қизил Ярим ой жамияти йўлга қўйди. Бу йил беш юз нафар патронаж ҳамшира тайёрланади. Республика ҳукумати бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги қарори оила фаровонлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик бўлди. Бу қарор республика ҳамда ҳар бир оиланинг иқтисодий аҳволини анча яхшилайди. Пахта тайёрлаш планининг камайтирилиши муносабати билан боғдорчилик-полизчилик экинлари майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлайдиган янги корхоналар яратиш имконияти вужудга келди. Бу йил оилалар шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун 25 сотихгача ер олдилар. Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг иш билан таъминланишини ошириш, оилаларнинг овқатланишини, айниқса чорвачилик маҳсулотлари, ҳўл мева ва сабзавот тановул қилишини яхшилаш имконини беради.

— Яқин келажакда қандай ишлар бажарилади?

— Биз мамлакат ҳукуматига мурожаат қилиб, аёлларимизнинг бошқа муаммоларини ҳам ҳал этиб беришларини илтимос қилдик. Масалан, очиқ жойларда қишлоқ хўжалигида бажарилган қўл меҳнати учун белгиланадиган ҳақнинг оширилишини сўрадик. Бу эса эркакларнинг ана шу ишларга жалб этилиши, аёлларни қуёш тиғи остида оғир меҳнат қилишдан халос этиш имконини беради. Иттифоқ ҳукуматимиз олдига болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтириш ва ана шундай маҳсулотларни ўзимизда, маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун машина-ускуналар ажратиб бериш масалалари ва бошқа кўпгина масалалар қўйилди.

Айрим муаммоларни келгусида ўз кучимиз билан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Республикамиз ҳукумати қишлоқларда янги болалар боғчалари ва мактаблар, касалхоналар ва маиший хизмат комбинатлари қуришни режалаштирди. Маҳаллий хом ашёда қишлоқдаги кичик консерва заводлари ва тикувчилик устахоналари, трикотаж фабрикаларининг филиаллари ишлайди. Меҳнат коллективларининг кенгашлари, корхона раҳбарлари хотин-қизларга эътибор билан муносабатда бўлган жойларда уларнинг масалалари доимо ижобий ҳал этилмоқда. Янгийўл боғдорчилик — узумчилик комплекси, Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводи ва «Водоканал» Тошкент трести, Сурхондарё областининг Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхоз ҳамда Наманган областининг Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози, бошқа бир қанча корхоналар ва хўжаликлар бу соҳада яхши тажриба орттиришган.

Иттифоқ бўйсунувидаги корхоналар ҳам хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда бизга ёрдам берадилар, улар мудофаа соҳасидаги корхоналар фаолияти ўзгараётган шароитда хотин-қизларнинг рўзғор ишларини енгиллаштирадиган техникани ишлаб чиқаришлари лозим.

— Биз ажойиб баҳор байрами арафасида сиз билан учрашдик. Ўзбекистон хотин-қизларига сизнинг қандай истакларингиз бор?

— Мамлакатимиз оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Менимча, ҳозирги вақтда сабр-тоқат билан мамлакатимизга ва республикамизга вақтинчалик қийинчиликларни енгишда, умумий хонадонимизни сақлаб қолишда, унинг вайрон бўлишига йўл қўймасликда ёрдам бериш энг муҳимидир. Доно, меҳр-муҳаббатли ва сабр-тоқатли аёлларимиз бунинг уддасидан чиқади. Бизнинг кўп йиллик тарихимизда бунинг ажойиб намуналари бор. Сизга эзгулик, бахт-саодат ва эсон-омонлик тилайман.

ЧИРОЙ ҲАР ДОИМ КЕРАК

⊙ Байрамда аёлларимиз янада чиройли, янада гўзалроқ бўлгилари келади. Шаҳримиздаги «Лола» атир-упа фабрикаси бу соҳада байрам эгаларини астойдил қувонтиришлари мумкин.

Фабрика Ўрта Осиёда мазкур тармоқдаги ягона корхона ҳисобланади. Иттифоқ миқёсидаги корхона бўлгани туфайли ҳам унинг маҳсулотлари турли шаҳарларга ва айниқса Ўрта Осиё жумҳуриятларига юборилади. Тошкентдаги савдо пештахталарида ҳам гўзаллик яратувчиларнинг ўнлаб турдаги маҳсулотларини харид қилиш мумкин.

Атир-упалардан ўз меъёрида, билиб фойдаланиш одатда аёлларни бир неча ёшга ёшартириб юборади. Оқила аёл ўзи учун фойдали бўлган крем турларини мутахассислар билан маслаҳатлашиб олади. «Лола» бу борада турли-туман маҳсулотларини тавсия қилади. Уларнинг энг кераклисини танлаб олиш эса сиздан. Фабрика маъмурияти ўз маҳсулотларига талабнинг ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа қувватларини ошириш ҳамда янги-янги маҳсулот турларини яратиш борасида тинимсиз изланяпти. Иттифоқдаги етакчи мутахассислар бу ишга бошқош бўлиб, буюртмачиларнинг кўпайиб боришига замин яратишяпти. Корхона ўзининг етакчи мутахассислари билан ҳам фахрланади. Лабораторияда бугун янги маҳсулот турларини яратиш устида иш олиб бориляпти. Байрам кунлари арафасида гўзаллик яратувчилар айниқса катта ғайрат билан меҳнат қилишди.

Савдо пештахталарига чет эл линияларида ишлаб чиқарилаётган «Экстел» ва «Самум», қўл кремлари, «Тошкент», «Мимоза», «Лола» упалари катта туркумларда юборилди. Француз фирмалари билан ҳамкорликда яратилган «Консул», «Тет-а-тет» атирлари корхонанинг энг харидорбоп маҳсулотларидир. 8 Март арафасида «Халқаро хотин-қизлар куни», «Сизга бахт тилайман» деб номланган атирлар, шунингдек сифати яхшиланган «Ноктюрн», «Германия», «Достон» сингари хушбўй атирлар билан байрам эгалари хушнуд бўлишига ишончимиз комил.

Харидорбоп маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобида иш юритаётган корхона учун ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам коллективдагилар чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қилиб, янги-янги линияларни ишга туширишяпти. Ўтган йили 2 та чет эл линияси ишга туширилган бўлса, бу йил уларнинг сафига Ғарбий Германиядан келтирилган техника ҳам қўшилади. Мазкур техника тиш пасталари ҳажмини ошириш имконини яратади. «Лола» аҳли ўтган йили жумҳурият савдо тармоқларига 135 минг сўмлик маҳсулот жўнатган бўлса, бу йилги рақамлар 162 минг сўмликни ташкил этади. Бундай кўрсаткичларга эса корхонада ишлаб чиқариш участкаларининг таъмирланиши ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш эвазига эришиляпти.

Атир-упа фабрикаси келгусида ҳам аёллар гўзаллигига гўзаллик қўшиб, фақатгина байрам тантаналарида эмас, балки оддий кунларда ҳам хотин-қизларимиз дилини хушнуд қилади, деган умиддамиз. Чунки аёллар фақатгина байрамда эмас, балки ҳар куни чиройли бўлишлари лозим.

Васида МАДИМАРОВА.

ХОНАТЛАС ЖИЛВАСИ

⊙ Ҳашаматли бино ёнгинасида жойлашган «Истиқбол» (афсуски у «Перспектива» деб ёзилган) савдо дўкони шаҳримизнинг кўпчилик хотин-қизларига яхши таниш. Аёллар истаган, дидига мос янги турдаги либос ва матоларни худди шу жойда танлаб олишлари мумкин. Лекин бу сафар савдо дўкони хусусида эмас, ушбу кийимларнинг ижодкорлари, бир сўз билан айтганда, гўзаллик яратувчилар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Улар унча кўп эмас, жумҳурият «Модалар уйи»га жамланишган. Жуда кам нусхадаги кийимлар бу ерда аввал рассом-модельер, мода чизувчиларнинг қўлларида «ихтиро» этилиб, сўнг чеварларга топширилади. Бадиий кенгаш ушбу бичимни лойиқ деб топса тикувчи қизлар 10 та ёки 20 хил нусхада тика бошлайдилар. Ниҳоят у «Истиқбол», «Ўзбекистон», «Мода» сингари фирмали магазинлар пештахтасидан жой олади. Бу магазинлардаги чиройли, бежирим ва арзон кўйлаклар, устки кийим-бошлар, айниқса костюмлар аёллар қўлида бир зумда қўлма-қўл бўлиб кетади. Ана шунда баъзан, одамларнинг «Ўзимизники ҳам «импорт»дан қолишмай тика оларкану» деганларини эшитиб қоласиз.

Жумҳуриятимизнинг мавжуд тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналаридан 14 таси кийимларини «Модалар уйи»нинг таклифлари асосида тикар экан. Жумладан, «Қизил тонг», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги ва «Чевар» сингари тикув корхоналари «Модалар уйи»дан оладиган лойиҳалари билан чекланмай ўз мутахассисларидан ҳам фойдаланадилар. Демак, кийим тайёр бўлгунча етук мутахассислар қўлидан ўтар экан, нега энди ҳамон уларнинг сифатсизлигига харидорлар норозилиги барҳам топмайди?! Йўқ, улар чиқараётган маҳсулотлар сифатини ерга урмоқчи эмасмиз. Лекин шунча кўп мутахассисларимиз қўлида «кашф» этилаётган либосларимиз шу пайтгача жаҳон бозорига чиқадиган даражада бўлиши керак эди-да!

— Эътирозингиз ўринли, — дея аниқлик киритади «Модалар уйи»нинг етакчи мутахассиси Н. Муҳамедова.

— Зўр синовлардан ўтган либосимиз тикув корхонасига етиб боргач, кўпинча ўзгариб кетади. Ҳатто баъзида кўриб таниёлмай қоламиз. Корхонада турли безаклар учун ўша рангдаги матолар топилмай қолади ёки технологик қувват етмайди. Хуллас, сабаблари жуда кўп. Ўз навбатида биз ҳам уларнинг имконияти билан ҳисоблашамиз. Лола Мардиева, Александра Шоҳназарова ва Галина Константиновская сингари истеъдодли мода яратувчиларимиз бор. Улар билан фахрланса арзийди.

— Нигора Собировна, ўзбек аёллари кўпроқ атлас кўйлакни суюб, ардоқлаб кийишади...

—Сизни тушундим. «Уйи»миз хонатласнинг ўзбекча усулидан бошқа ҳамма турларини яратади. Баъзида бизга шундай хонатласни бекорга бузибди-я деган таъна гапларни ҳам айтишади. Бу ерда улар бир нарсани тушунишларини истардим. Хонатласни оврупача услубда модага мослаштиришимиздан мақсад, кўпроқ чет элларга юборилади. Ўзимиздаги оддий ўзбекча турни эса ҳеч қандай модага муҳтож эмас. Бу аввало бизнинг миллий мода яратувчиларимиз орасида ҳар қандай чет давлат мутахассислари билан беллаша оладиганлари борлигини кўрсатиш бўлса, яна дунёда хонатласимиздек гўзал ва жилвагар мато йўқлигини намойиш этишдир.

— Кўпчилик хотин-қизлар орасида матосига муносиб бичим танлай олмай, сарсон бўлиб юрганларини учратамиз. Ёки қоматига, рангига мос мавсумбоп қанақа либослар кийишни сўраш учун маслаҳатчи излашади. Шунда уларга «Модалар уйи» қандай ёрдам бера олади!

— Шаҳримизнинг Бош ва Марказий универсал магазинларида модалар кўргазмаси бўлади. У ерда яна бизнинг мутахассисларимиз харидорларнинг турли саволларига жавоб беришлари мумкин.

— Демак, фақат кўргазмаларда иштирок этсаларгина мутахассислар маслаҳатидан хабардор бўлар эканлар да!

— Шаҳримизнинг йирик савдо нуқталарида, ишлаб чиқариш корхоналарида «Мода театри» ёрдамида чиқишлар қиламиз. Бундан мақсад ўзимиз топган мода турларини кўз-кўз қилиш эмас, балки уларга либослар бўйича турли маслаҳатлар ҳам бериш. Жумладан, байрам арафасида ҳамшаҳар аёлларимизни модалар кўргазмасига таклиф этамиз. Уйлаймизки, улар гўзал баҳор мавсуми учун ўзларига мос либослар бичимини танлай оладилар.

Суҳбатдош Феруза ҲУСАНОВА.

Ғамхўрлик

⊙ 105-зеҳни заифлар мактаб-интернатида айни пайтда 250 та бола таълим олмоқда. Яқинда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти интернатни ўз оталиғига олди.

— Ҳозир институт томонидан бириктирилган бир врач доимо болаларга парвона, улар физиотерапия хонасини жиҳозлаб беришни ҳам ўз зиммаларига олдилар, — деди биз билан суҳбатда интернат директори Лола Нуъмонова. — Куйбишев район халқ таълими бўлими ҳам 300 сўм пул ўтказди. Бу пулларга магнитофон ва иккита рангли телевизор сотиб олинди. Бугунги кунда «Олмос» магазини ҳам интернатга 12 минг сўм ўтказди. Биз бу маблағга интернат ётоқхонаси учун мебеллар сотиб олдик, қолган маблағга эса ўқув қуролларини олмоқчимиз.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

Ҳисобот анжумани

⊙ Ҳамза район хотин-қизлар кенгашининг ҳисобот анжуманн бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги турли корхона ва маҳаллалардан кўп болали аёллар, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва меҳнат ветеранлари иштирок этдилар.

Ҳамза район хотин-қизлар кенгашининг раисаси, тиббиёт фанларн номзоди, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг доценти Рихси Собирова маърузасн тингланди. Маърузада хотин-қизлар кенгашининг бажарган йиллик ишига баҳо берилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар турли масалалар бўйича ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Анжуман сўнгида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши раисаси Холида Қодирова кенгашнинг иститболга мўлжалланган дастурлари бўйича маълумот берид, маҳаллаларда ўтказиладиган Наврўз байрамига алоҳида тўхталди.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ.



⊙«ҲУР ҲАЁТ, ҲУРРАМ ҲАЁТДА ГУЛГУН ЯШАР ГУЛЧЕҲРАЛАРІ».

Т. Каримов сурат лавҳаси

ҲАЁТ БОҒБОНИ

— Байрамингиз билан, опажон.

Қўнғироқ чалиниши биланоқ хонага кириб келган ҳушрўйгина аёлни ўқувчилар ана шу илиқ сўзлар билан қарши олдилар. Кутилмаган илтифотдан Мунаввар опа ўзини йўқотиб қўймади. Ёшларнинг меҳр тўла кўзларидан нур чақнарди. Уларга қараб муаллима ёшлигини эслади. Ўқувчилик йилларида синф раҳбарларига, педагогларга қандай муносабатда бўлганлиги кўз ўнгидан ўтди.

Ҳаётда нима эксанг шуни ўрасан, деган гап бор. Аъло баҳоларга ўқиши, намунали ҳулқи билан тенгдошларидан ажралиб турадиган Мунаввар 5-синфга ўтдию, ўзгариб қолди. Ўқув дастуридан ўрин олган инглиз тили дарсларига алоҳида қизиқиш билан қарарди. Шу фан бўйича таълим бераётган София Моисеевнанинг дарс соатларини орзиқиш билан кутадиган бўлиб қолди. Буни кузатган синфдошлари, муаллималари ўша пайтлардаёқ сендан ажойиб педагог чиқади, деб янглишмаган эканлар. Орзуси Мунавварга қанот бағишлади. 1968 йили Чилонзор районидаги 162-ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент давлат дорилфунунининг роман-герман филологияси факультетига ўқишга келди. Талабалик йиллари инглиз тили ўқитувчиси ихтисослигини Мунаввар Зоҳиджонова қунт билан эгаллади. Илмга чанқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги, ҳаётга мустақил қадам қўйган, педагогик фаолиятини бошлаган йиллари унга жуда қўл келди. Мана 17 йилдирки, Мунаввар Зоҳиджонова 136-ўрта мактабда чет тили ўқитувчиси бўлиб ишламоқда.

Ёшларга талабчанлик заҳматкаш педагогнинг олий фазилати. Шунинг учун ҳам у бирон бир дақиқани беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилади. Ўқувчиларига ўз болаларидек муносабатда бўлади. Дарс соатларини доимо мазмунли ўтказишга эришади. Мунаввар Зоҳиджонова билан Дилором Наимжонова инглиз тили муаллимаси. Дилбар Қаҳҳорова билан Машқура Расулова эса француз тилидан ёшларга таълим беради. Кўргазмали ўқув қуроллари етишмаётган, муҳим қўлланма ва дарсликларда танқислик сезилаётган ҳозирги вақтда улар бир-бирларининг малака ва тажрибаларига таяниб ишламоқдалар. Дарс жараёнида ўзлари мустақил равишда тайёрлаган ўқув воситаларидан ҳам кенг фойдаланиб боришяпти. Бу шубҳасиз дарс ўтиш самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Мактабдаги 9 «б» синфда очиқ дарслар кўп бўлади. Ота-оналар билан учрашувлар, ҳар хил қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Синф раҳбари сифатида Мунаввар Зоҳиджонова амалга ошираётган бу ишлар беҳуда кетмаяпти. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама тўғри шаклланишига, илм олишига ёрдам бермоқда. Шуларни ўйлаб Мунаввар опа яйраб кетди. Ўқувчилари совға қилган гулдастани бир чеккага эҳтиёт қилиб қўйиб, дарс ўтишга шайланар экан, секин шивирлади:

— Раҳмат, болаларим!

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Қатра

ОНАЖОНИМ

⊙ **Ассалом, онажон... Мен яна сиз билан дардлашгани келдим. Табаррук сўзларингизни эшитиш бахтига муяссар бўлмасам-да, руҳингиздан мадад оламан.**

ҚАБРИНГИЗ узра майсалар кўкарибди. Булар баҳор дараҳчилари, тупроққа тўкилган кўз ёшларим. Сиз ҳар баҳорни севинч ила қаршилардингиз. Эндигина униб чиққан ўт-ўланни кўзингизга суртганча, секин шивирлардингиз: «Ўзингга шукр. Баҳорга ҳам етиб олдик». Мана еру кўк тағин яшилликка бурканди. Баҳор келди. Фақат...

Ўшанда мен ишга шошардим. Кечагина борган ишхонамда «кечикди» дейишларини истамасдим.

— Ўғлим, — дединг ҳазин овоз билан, — борарсан шу ишингга. Бир пас ёнимда ўтир. Мен ҳам ғанимат, икки оғиз сўзингни эшитай.

Мен нодон тингламадим сизни. Ортимдан охирги маротаба мўлтираб қолаётганингизни билмадим. Бехабар эдим, онажоним, сизни сўнгги бор кўриб турганимдан. Агар менга ҳаёт бахш этган меҳрибон волидам бемаҳал ташлаб кетишини билганимда, ҳамма нарсадан воз кечиб, ўтирмасмидим ёнингизда.

Ишдан қайтаётиб, дарвозамиздан фарёд солиб чиққан опамнинг ноласи қалбимни ўртаб юборди:

— Онамдан айрилдик. Етим бўлиб қолдик, укажон!

Умримнинг онасизлик даври бошланганини англаб мен ҳам фарёд чекдим. Айриликка чидай олмасдан дод солаётган жигаримга қўшилиб, куйиб йигладим. Бутун умр сизни ёмон кўрган, ҳар лаҳза худодан ўлимингизни тилаган қўшни аёл: «Беозор, тилла аёл эди», дея тан олганида, билдимки, бу дунё бевафо ва ўткинчи экан.

Не бахтки, сизга совға қилишни орзу қилган илк маошимни маъракангизга ишлатдим. Мен шуни истаганмидим.

Инсон ҳар нарсага кўникар экан. Бевақт бошимга тушган етимликка мен ҳам чидадим. Аммо, қалбим узра қандайдир бир бўшлиқ пайдо бўлди. Сиз билан бирга яна нимадир тарк этди хонадонимизни.

Сизнинг орзуларингиз кўп эди. Кўзларингиз йўлимга нигорон бўлиб, тоқат билан кутган йилларингизда сизни вақтида йўқлай олмадим. Бирор дона мактуб битмадим. Мен билмас эканман, дунёдаги жамики яхшиликларни ўзида мужассам этган, умрини фарзандига бахшида этаётган она қалбининг буюклигини. Энди бир оғиз сўзингизга, дийдорингизга зор фарзандингиз нола чекади. Афсуски, бефойда...

Айрилиқ дарди қалбимни ўртаб, қайғулар дастидан оҳ чекиб юрган кунларимнинг бирида, Май байрами арафасида сизга ўзим совға қилган рўмолни бўлажак келинингиз учун йиққан бисотлар орасида кўрганимда, чидай олмадим... Ўшанда ҳам сиз мени ўйлаган экансиз-а, волидам.

Қабрингизни зиёрат қилиб қайтар эканман, гўё юрагимнинг бир парчаси узилиб қолгандек бўлади, ўша қабристонда. Юм-юм йиғлайман. Фақат йиғимга менга таскин бера олади.

Нуридийдам, умрим борки, сизга бахшида бўлсин. Жисмингиз ер бағрига сингиб кетган бўлсада, ёдингиз ҳамиша мен билан бирга.

Сайфулла ИКРОМОВ.

Нафисликда худди чиннигул

БАЙРАМ куни пойтахт кўчаларидаги қизлар қўлида бир жуфтдан «Гербера» гули кўрсангиз, ажабланманг. Европадан келтирилиб, бизнинг иқлимга мослаштирилаётган бу навнинг дўконларга биринчи марта чиқарилиши. Оқ, сариқ, қизил, пушти ва бошқа ранглардаги табиат инъоми нафисликда чиннигулдан қолишмайди.

— Бир нечта донасини узиб, сувга солиб қўйсангиз ҳатто бир ойгача дуркун бўлиб туради,— дейишди гулчилар.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг гулчилик бўлими ишчилари шаҳарликларга 3-4 минг дона «Гербера» етказиб беришга аҳд қилишган.

Шуҳрат САЪДУЛЛАЕВ.



⊙ **ФИДОЙИ. Октябрь районидаги «Октябрь 50 йиллиги» номли маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси, республика давлат стандарти ва ўлчов марказининг инженери Мавлуда Одилова.**

Х. Шодиев суратн.

Пиру бадавлатларимиз

АСР БИЛАН ЮЗЛАШИБ



⊙ **Она меҳрини қуёшга таққослашади. Фарзандлар она муҳаббатидан баҳра олиб, уни қалб тўрида ардоғлайдилар.**

ПСИТАХТНИНГ 2-Ракат маҳалласида аср билан юзлашган Нуриниса ая фарзандлари, невара-чевараларн даврасида иззат-икром топиб яшаяпти. Икки ўғил ва уч қизи доимо хабар олиб, доно маслаҳатларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Аммо Жалолиддин 1942 йилда урушга кетганича, бедарак йўқолди. Ундан эсдаликка бир талай ҳужжатлар қолди, холос.

Эскириб кетган, лотин имлосида ёзилган қоғозлар ҳеч қачон фарзанд ўрнини босолмайди. Нуриниса ая ҳамон эшик тиқ этса ташқарига қулоқ тутади. Ҳатто Жалолиддин жанг қилган Курск шаҳрига бориб, кўп жойларни излади. Афсуски, қабри топилгани йўқ. «Тирик одам ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди-ку», — дейди ая кўзларига ёш олиб.

Байрам ёки туғилган кунларда барча невара-чевералар йиғилишса, хонадон гавжумлашиб қолади. Бири-бирдан ширин кичкинтойлар буви атрофида парвона бўлишиб, даврага файз киритадилар.

— Данагидан—мағзи ширин деб шунга айтишса керак, — деди ая суҳбат чоғида. — Болаларнинг кўп бўлгани яхши экан. Улар менинг қувончим. Ўғил-қизларим вақтида келиб, хабар олишаяпти. Барака топишсин ишқилиб.

Нуриниса ая маслаҳат сўраганларга доимо ҳалол, барн кенг одамлар ташвишида яшаш лозимлигини уқтиради, эл-юртимиз тинч, сиҳат-саломатлик бўлсин, дастурхонимиздан қут-барака аримасин, дейди.

Оналар нимаси биландир бир-бирларига ўхшашади. Балки унинг тимсолида ўз онаизорингни эслаш шундандир. Дунёда она деган мўътабар зот бор экан, меҳр-оқибат, адолат ҳамиша тантана қилади. Нуриниса аяга ўхшаш кексаларимиз ҳамиша хонадонимизга файз киритиб соғ-саломат бўлишсин...

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

⊙**СУРАТДА: аср билан юзлашган Нуриниса ая ўғли Жамолиддин ва келини Маҳбубахон билан.**

Уйдаги меҳнат—зийнат

БЕҚАСАМ ТЎН

⊙ **Хонатласдан тикилган кўйлаклар, зар дўппилар, беқасам тўнлар, шойи қийиқчалар жилва-ю жилоси ўзбек аёллари меҳнатининг зийнати ҳисобланади. Бу либос-кийимлар одамга ҳуш, уйхоналарга файз бағишлайди.**

ҚЎРҚАМ бу буюмларни «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўли гул чеварлари тайёрлашади. Айниқса, улар тиккан беқасам тўнларни кўрган одам «Қўл-кўзинг дард кўрмасин», дейди. Шундай чевар аёллардан бири—Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Муҳаррам Қосимова. Бу чевар аёл касаначилик бўйича ўз уйида ишлайди.

Файзлигина ҳовлига киришимиз билан Муҳаррам Қосимованинг ишлаб ўтирганини кўрдик. У пахта солишга тайёрлаган тўнларни йиғиштириб, биз билан суҳбатга тутинди. Уй шароити, юмушлари билан танишдик:

— Яна уй-рўзғор ташвишлари... Саккиз набира... Шулардан бўш вақт орттириб, планни икки ҳисса бажаришга қандай улгурасиз? — сўраймиз ҳайратда.

— Шукр, уч ўғил ва бир қизим бор. Ҳаммасидан тинчиганман. «Мевасидан — данаги ширин», деганларидай, ҳамма бувилар қатори невараларимни бир-биридан яхши кўраман. Куни билан келинлар ишда, кичкинтойларим боғчада. Уй ишларини «ойдинда оёғим билан» бажариб қўяман. Эрталаб саҳарда уйғонаман. Эрта турганнинг хосияти бўлакча, кун баракали бўлади. Икки-уч соат тиним билмай ишлайман. Кейин уй юмушлари билан шуғулланаман.

— Бу ҳунар ўзингизга ёқадими?

— Чеварлик — аёлларнинг севимли касби. Айниқса, касаначилик, уйда ишлаш кўп болали ва уй-рўзғорли аёлларга жуда қўл келади. Кўнгил тўқ, иш ҳам пухта бўлади. Ўзбекчиликда турли маросимлар кўп, шунга ҳам бемалол вақт ажратса бўлади, — хушнуд бўлиб гапирди Муҳаррам Қосимова. — Биз тиккан беқасам тўнлар жозибасига нафақат мамлакатимиз, ҳатто бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш катта. Айниқса, Америкадаги «Влэк Си Импортс» савдо фирмасининг буюртмасига тайёрланган тўнларни алоҳида меҳр, диққат-эътибор билан тикканманки, бу билан фахрланаман.

Биргина Муҳаррам Қосимова истиқомат қилаётган Акмал Икромов районидаги А. Икромов номли маҳаллада йигирмага яқин уй бекалари касаначилик асосида ишлаб, меҳнат гаштини суришмоқда.

Дония ЗОКИРОВА.

Қизлар дафтаридан

Юлдузлар

Оқшомда жилмайиб боқади менга,
Кўкдан ялт-ялт ёниб, ажиб юлдузлар.
Қамаштириб икки кўзимни, ҳатто,
Уйқумни ўғирлаб кетади улар.

Аста шивирлашиб, сўлим кечалар,
Гўё улар билан суҳбат қураман.
Савол бериб, сўнгра маҳлиё бўлиб,
Юлдузлар жавобин кутиб тураман.

Юлдузлардан келмас ҳеч қандай садо,
Турарлар ёнига бир-бирин чорлаб.
Мени-чи, жавобсиз қолдириб, аммо,
Самода чақнашар янада порлаб.

Жилоланар сокин тунда юлдузлар,
Мен буни кузатиб, охир толаман.
Қандай қўйнганин ухлатиб яна,
Ажабо, ўзим ҳам сезмай қоламан.

Моҳичеҳра ОМОНОВА.

Севар бўлсанг...

Қайда бўлсанг ўтинчим сендан,
Азизгинам, мени унутма,
Чиқиб қолсанг билмай қаршимдан,
Аросатда қолдириб кетма.

Эрмак учун севмагил зинҳор,
Севар бўлсанг Мажнунга ўхшаб —
Бир ёниб сев, зорланиб шунқор,
Яшнаб кетсин бу олам, яшнаб!..

Муборак ҲИДОЯТОВА.



ХОЛИСХОН Қодирова шундай эл севган, икки халқ — ўзбек ва уйғур халқлари ҳурматини қозонган хонандадир. У ўзининг болалик йиллари ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Қашқарда зиёли оилада дунёга келдим. Отам Раҳмонжон Абдуллаев асли марғилонлик эдилар. 1939 йилда вафот этганлар. Онам (Гулсун ая) тарбияларида вояга етдим. У киши мусиқани жуда севардилар. Умуман санъат бобида бой билимга эга эдилар. Биринчи устозим албатта, онам бўлганлар. 10-11 ёшларимда тенгқурларим орасида қўшиқлар ижро эта бошладим. Уйимизда севимли хонанда Ҳалима Носировнинг ашулалари ёзилган ликопча бўларди. Уни ҳар куни патефонда қўйиб аввал мириқиб эшитардим, кейин биргалашиб куйлардим. Санъатга бўлган муҳаббатим кундан-кунга ортиб борарди. Қашқардалик пайтимизда, қизлар гимназияси қошидаги ҳаваскорлик тўгарагининг фаол қатнашчиси эдим...».

Ёш хонанда 1956 йилдан Ўзбекистон Давлат филармониясида ишлай бошлади. Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов, Муҳаммаджон Мирзаев каби машҳур санъаткор ва бастакорлар Холисхонга устозлик қилишди. Бу унинг ижодий камолотида ижобий таъсир кўрсатди. Уйғурча қўшиқлар билан бир қаторда ўзбекчаларини ҳам маҳорат билан ижро эта бошлади. Минглаб санъат шайдоларининг меҳрини қозонди. У айтган ашулалардан 300 га яқини ҳозир Ўзбекистон ва Қозоғистон телевидениеси ва радиосининг олтин фондида сақланмоқда.

Уйғур қўшиқчилик санъатининг ривожланишида, қадимги ашулаларни тиклашда Холисхон опанинг муносиб хизмати бор. У уйғур санъатининг гултожиси бўлган 12 мақомни қайта тиклаш ва ликопчаларга ёздиришда фаол иштирок этди. Айниқса, «Рак», «Мушаврак», «Панджигоҳ» мақомларини катта маҳорат билан куйлади. «Гул ойим» номи билан эл орасида ёйилган «Оттум» ашуласи ҳам унинг ижоди маҳсулидир. Хонаданинг қўшиқлари ёзилган яна бир ликопча «Булбул сайраб ўтади», деб номланган. Уни тинглаган одам қашқар халқ оҳангларининг сеҳридан баҳраманд бўлади.

— Санъатни пул билан ўлчаб бўлмайди. Унга эътибор, доимий ғамхўрлик даркор, — дейди Холисхон опа. — Эътибор етарли бўлмас экан, санъатни ривожлантириб бўлмайди. Эндигина фаолиятини бошлаган истеъдодли йигит-қизлар 120 дан 150 сўмгача ойлик олишади. Бу пул билан оила тебратиш мумкинми? Оқибатда ўша келажаги бор ёш бирон Маданият уйига номига ишга кириди-да, «тирикчилик» пайида бўлади. Бу эса санъат ривожига салбий таъсир қилади...

Холисхон опа устозлари йўлидан бориб кам бўлмади. Ўзбек ва уйғур миллий санъатининг бир поғона юқори кўтарилишига муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлди. Ўзи айтганидек, Тошкентда бахтини, камолини топди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.
Д. Аҳмедов суратн.

«БУЛБУЛ САЙРАБ ЎТАДИ»

Санъатнинг сеҳрли олами

⊙ **Санъаткорнинг энг одил, энг мўътабар ҳаками — халқ. Халқ ўзига ёққанини қабул қилади. Ва ҳар бир истеъдодли санъаткорнинг ўз ижлосмандлари бўлади. Бирон кишидан «Сиз қайси қўшиқчи ёки раққосанинг санъатини кўпроқ ёқтирасиз?» деб сўрасангиз, албатта қалбини ром этганини биринчи бўлиб тилга олади. Унинг қўшиқлари ҳақида тўлқинланиб сўз бошлайди.**

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

⊙ **«УЧҚУН» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехида хотин-қизларимиз байрами арафасида янги пардоз лентлари чиқарила бошланди. Бу ўзига хос буюм «Янгилик» тамғаси билан тайёрланмоқда.**

Мурод АЪЛОЕВ.

РАҚС БАЙРАМИ

⊙ **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР маданият саройидаги «Силуэт» рақс ансамбли бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда ансамбль аъзоларн Чимкент шаҳрида ўтган Урта Осиё ва Қозоғистон бал рақси санъаткорларининг фестивалида қатнашиб совриндор бўлиб қайтишди.**

— Энди биз апрель ойида Кишинев шаҳрида бўладиган Бутуниттифоқ фестивалида қатнашамиз, — дейди ансамблнинг раҳбарларидан бири Рудольф Кан.

БУГУН маданият саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган рақс байрами бўлиб ўтди.

Одил АБДУРАҲМОНОВ.

ЗЕБОЛИК МАСКАНИ

⊙ **ҲОЗИР шаҳримизда ўн санкизта замонавий жиҳозланган хотин-қизлар масканларн ишлаб турибди. Бу ерда аёлларимизга гўзаллик бахш этнлади. Бундай сартарошхона ва салонларни кўпайтиришга аҳамият берилмоқда. Байрам арафасида талабалар шаҳарчасида яна битта «Гўзаллик маскани» ишга тушди.**

Дилмурод ОБЛАЕВ.

—1—

⊙ **Чўлпон — ўзбек адабиётининг истеъдодли адиби, адолат, илм-маърифат ва бахтли ҳаёт куйчиси, шоир, драматург, ажойиб журналист, моҳир таржимондир. Чўлпоннинг биринчи тўпламн «Уйғонш»» [1922 йил], «Булоқлар» [1922 йил], «Тонг сирлари» [1926 йил], «Соз» [1935 йил] тўпламлари китоб бўлиб чиқарилган. Унинг «Ўзбек ёш шоирлари» [1923 йил], «Гўзал ёзғичлар» [1923 йил], «Қизил қалам» тўпламларида ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида шеър, ҳикоя, тақризлар, таржималар ҳамда кўплаб публицистик мақолалари чоп этилди. Унинг умрбоқий «Кеча ва кундуз» романи, саҳна асарлари ва кўплаб ҳикояларида хотин-қизларимизнинг турмуш ҳаётн тасвирланади.**

Бугун оқшомхонларга Чўлпоннинг шоир Элбек томонидан тўплаб «Гўзал ёзғичлар» тўпламига киритилган, хотин-қизлар ҳаётига онд «Ойдин кечаларда» ҳикоясини тақдим этямиз. Уни ТошДУ журналистика факультетн ходими Нормурод Авазов нашрга тайёрлаган.

⊙

ЗАЙНАБ кампир бир нарсадан чўчиб уйғонди. Оппоқ ойдин: ой, кампир ётган супачанинг қоқ ўртасидан унда-мунда, битта-яримта учраган оқ булутларни ёритиб шошиб ўтиб борар эди.

Кампир у ёқ-бу ёғини яхшилаб қараб, ойдинда сира бир қора-мора учратмоғанидан сўнг, яна бошига ёстиғини қўйди.

Уйқуси учиб кетганидан, энди кўзига уйқу келмай ўз ёшига ўз даврига муносиб хаёллар ичига кўмилди. У пилта сават, кўрпа қовиқ, ипидан тортиб бу йил пилладан чиқадурғон ипагигача «дунёнинг барча қайғусини» ўйлаб олди.

Энди бироз уйқуси ҳам кела бошлаб, кўзлари секин-секин сузила, қўллари бўшашиб чўзила кетдилар. Тун бўйи чопишиб, ҳуришиб, югуришиб чиққан итлар товуши секинсекин йўқола бошлади. Эшончанинг ҳовузи бўйидаги толлардан туриб ҳасрат ва қайғуларни ҳар кеча ўқий-турғон бўлур, бугун жуда эрта тўхтади.

Гўристон ва мозорлардагина бўлатурғон чуқур бир жимлик...

Кампир, юмилиб борғон кўзларини бирдан очди: яқин бир ердан ҳасратли кўнгул бузатурғон бир йиғи товуши эшитилар эди.

—2—

Бу ким. Кечалари ухламасдан йиғлаб чиқувчи ким? Барча тинч ва роҳат уйқуга толғон бир замонда юрагини яралаб йиғлағувчи қандай бахтсиздур? Кампир, йиғлағувчининг ким эканини била олмас эди.

Қўшнилардан қайси бирининг келини ва ё қизи экан. Ҳадича отнинг келини деса, бугун унинг ўртоқлари келиб, эл ётарғача ўйин-кулги қилишдилар. Саломатхоннинг қизи деса, қишлоққа чиқиб кетган эди, ҳали келгунича йўқ. Ўз келининг бўлса йиғлайтурғон жойи йўқ... Ким экан бу?

Ё ҳавли томонга парилар келишдими экан? Парилар ўз қизларининг сочларини боғ-роғларда, ойдин кечаларда тарар эмишлар ва қизлари: «кўп силлиқ қилсангиз, куёв олиб кетиб қоладур» деб йиғлар эмишлар.

Йўқ... ажина қизи, пари қизи мундоғ йиғламас эмиш. Йиғласа жуда қизиқ бўлур эмиш...

Яна диққат баёнроқ қулоқ солди: товуш таниш бир хотиннинг товушн каби эди.

Қўшнининг келинидур деб ўйлади.

—3—

Ҳа, бояқиш, қандай қайғулари бордур?

Мана кампирнинг ўз келини, уйжойи, кийим-кечак барча нарсалар тайёр... Навдадек куёв ёнида... яна сира уй-рўзғор ишини қилмайдур, мундоғ ёмон қиз бўладими?

Олмай-қадри жон бўлсин,
бермай отаси,
ўстирмай — онаси!..

Шунинг учун букун хўб адабини берди, хўб йиғлатди...

Йиғи тўхтатолмаганидан сўнг секингина ўрнидан турди: чувалашиб кетган, кўрпалар орасида кўмилиб ётган лакакийини олиб тўғрисига бошига солдида супачадан тушди...

Йиғи келган томонга бир оз қулоқ солғандан сўнг шарпасизгина яланг оёқ юрди. Супачанинг шул биқинидаги кичкина эшикчанинг тешигидан қараган эди, келининнинг уйида чироғ ўчмағон...

Ҳайрон бўлди:

Вой бу нимаси? Келинчак шу чоққача ётмоғон эканми?

Йиғи бир оз яна қизғончланиб, бироз яна ўксикланиб давом этар, хотиннинг товуши кесилиб кесилиб, ҳиқичоқ тутқон каби чиқор эди. Яна диққат била тикилди: бу йиғи келинчакнинг уйидан эшитилган каби бўлур эди...

Юраги ўйнади.

Дарров дарчани очиб у ҳавлига кирди. Оёғининг учи билан босиб келиб секингина келининг уйига яқинлашди. Йиғи уйдан эшитилар эди.

Яна қулоқ осди.

Товуш — келининг товуши эди.

—4—

Шундан сўнг кампир сира ўйлаб турмасдан, тўғри эшикни итарди, эшик очиқ эди, кирди.

Ичкаридан:

— Вой! Ким, ким у? — деб бир чарчағон товуш чиқдида тинди...

Ярим-юрпа йиғиштирилғон бир уйда икки кишилик катта сим каравотга яхши қалин жой солинғон, пастғина бир жавон устида 20-чи чироғ ёниб турар эди.

Қизил шоҳи кўйлак кийган, қопқора сочлари ерларда судралган ёш келин — каравот ёнида, йиғлаб-йиғлаб қизорғон кўзларини енги билан артиб турар эди.

— Келин, ким бу йиғлоғон?

...

— Келин, сиз йиғладингизми?

...

— Нимага индамайсиз, Қодиржон қани?

Келин жавоб бермасдан, индамай ўрнидан турди.

— Айланай келин, нимага йиғладингиз, айтинг жон болам?

Келин-тўлғон, тошғон ҳолда, кучли ва қўрқинч бир товуш билан «онажон» деб бақирди ва қайин онасининг қучоғига отди.

Кампирнинг қучоғига бошини тиқиб олиб, яна ўксиниб, хўрсиниб, яна тўлиб-тошиб анча йиғлай бошлади.

— Онажон, мен кечалари уй пойлаш учун келин бўлиб келдимми?

— Йўқ айланай болам, Қодиржон қани?

— Қодиржонни сўраманг, онажон, мана келин бўлиб келганимга бир ярим ойдан ошғон бўлса, шу бир ярим ойнинг ичида икки кечагина бирга бўлдик... Бошқа кунларда ҳар кеча кута-кута тонг оттириб юбораман, шунча кун чидаб келиб, мана букун ўз қадримга ўзим йиғлаб юбордим. Қандай қилай? Мен одам эмасми?

Кампирнинг қариған, қуриғон кўзларига йироқ ерлардан икки томчи ёш келди. Бутун танини, мучаларини босиб, эзиб синдириб келган икки томчи ёшни енги билан артғондан сўнг:

— Отаси ҳам шундай қизим... — деди.

Шу сўздан сўнг иккаласи ҳам узоқ жим-жит бўлиб қолдилар.

Кампирнинг оғзли кўз-ёши каби юзлари, узилиб тошлангон чечакдек сўлғон, тошдай қаттиқ бағри, ортиқ даража юмшоғон, кўнглида кучли марҳамат сезгиси уйғонғон эди.

Келининнг қизорғон, чарчоғон, оғир қайғуга тилмоч бўлиб турғон кўзларига тикилиб қараб тургондан сўнг, оналар севгиси билан кўзидан ўпди:

— Энди, сен менинг ўз қизим бўлдинг, энди сенга сира озор бермайман. Энди сен ҳам кундузги ишларингни эсингдан чиқариб юбор!— деди.

Келин кўзларида бир ойдинлик, бир севинч кўланкалари уйғонғони ҳолда бошини кўтарди: икки қўлини кампирнинг елкасига ташлаб туриб:

— Онажон, мен унга қайғурмайман. Менинг ёш умрим, гулдек ёшлигим кечалари сарғайиб ўтмаса эди!.. — деди.

Нақ шул чоқда очиқ турғон эшикдан ўлгудек маст, тентираклаб Қодиржон келиб кирди.

Уни кўришлари билан иккала аламзода бирдан:

— Ана келди! — деб юбордилар.

Уларнинг жонли қарашларига жавоб ўрнида Қодиржон: «Қани он-нажоним, қани менинг он-нажонким, а?» — деди. Ва «гуп» этиб абрезга йиқилди.

ЧЎЛПОН

ОЙДИН КЕЧАЛАРДА

(Ҳикоя)



БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

ИККИ сумка озиқ-овқат кўтариб кетаётган бир кишидан таниш сўради:

— Шунча нарсани кўтариб қаёққа кетяпсиз?

— Касалхонага. Хотинним бетоб, кўрганга кетяпман.

— Буларнинг ҳаммаси ёлғиз хотинингизгами?

— Ярми унга, ярмиси эса уни даволаётган аёл дўхтирга, биродар.

⊙

ЭРИДАН хотини сўради:

— Дадаси, эртага якшанбада нималар қилишни ўйлаяпсиз?

— Уйдан чиқиб кетиш учун сенга нима баҳона топсам экан, деб ўйлаяпман, хотин!

Уроқжон ҚИЛИЧЕВ.



Ҳай, аманижон. бизнинг уйга янглишиб кирдингиз-ку?

— Йўқ, янглишмадим, эрингиз маст бўлиб ҳушёрхонага тушиб қолди, сизни 8 Март байрами билан табриклаб шу гулни бериб юборди-да.

— Вой ўлмасам, буруну бетингизга нима қилди, дадаси?

— Сенга байрам совғаси олгандим, улфатлар билан уни ювиб, муштлашиб қолибмиз.

— Қулинг ўргилсин қовурма палов тайёр, жонгинам.

— Ия, дадаси, биз аёллар байрамида аллақайтиб бир ош қилганингизда қовурмочдек куйдириб юборибсиз-ку.

— Бугун байрам, қани, дадаси, дастурхонни бир ресторанча ясатинг-чи?

— Масаллиқлар қаерда турганини билмайман-да, азизим.

— Е алҳазар, бу сумбат эркакмикин, ё аёлмикин-а?

Шуҳрат СУБҲОНОВ чизган расмлар.

⊙

БИР йигит хотинини ҳудабеҳудага кўчага чиқаравермас, унга нисбатан ниҳоятда рашкчи эди. Бир куни хотини деди:

— Сиздек эрга рўпара қилган шўр пешонам қурсин. Олий маълумотлиман, ишлатмайсиз. Сизга турмушга чиққанимга уч йил бўлди, ҳали бирор марта уйга бориб ётиб келмадим, эртага уйимга борсам майлимми?

— Сенинг уйинг шу ер! — деди эр.

— Унда, ойимнинг уйларига бориб келсам майлими?

— Йўқ.

— Сира «хўп» деманг!

— Хўп.

Эртаси куни эр ишдан қайтса, хотини уйда йўқ. У кечкурун бир пақир ўрик кўтариб эшикдан кулиб кириб келди.

— Адам, ойим, акаларим сизга салом айтиб, сўраб юборишди.

— Мен йўқ десам ҳам, нега уйга бординг.

— Ўзингиз хўп дедингиз-ку.

— Мен уйга боришингга эмас, «сира хўп деманг», деган сўзингга хўп деганман.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

⊙

ЁШГИНА аёл дугонасидан сўради:

— Нега бунча маъюс кўринасиз?

— Яна ўғриллик бўлдик...

— Вой, қувонмайсизми!

— Дадаси бу ўғлимни ҳам бир йил «ювишга» яна баҳона топилди-да.

⊙

КЕЧКИ пайт ҳовлини супураётган кампирга келини деди:

— Ойижон, илтимос, қошимга ўсма қўйиб бўлгунимча супурмай туринг.

— Кейин ўзингиз супуриб оласизми!

— Йўқ, чанги ўсмага урмасин деяпман.

⊙

АФАНДИ вақтли туриб бозорга борди. Оладиганини олиб, соат ўн иккиларда қайтиб келса, хотини ҳалигача ухлаб ётган экан. Ҳозир боплайман дебди-да, ҳовли ўртасига бориб додлай бошлабди.

— Вой, хотинимдан айрилдим. Энди нима қиламан. Вой дод!

Дод-войни эшитган хотини уйдан югуриб чиқди.

— Ҳой, девона, бу нима бемаънилик!

—Е тавба, тирикмисан хотин! Соат ўн иккигача тирик одам ухлайдими! Мен сени дунёдан ўтибсанми депман...

Тожикчадан Шодижон РАЖАБОВ таржимаси.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Юқори малакали ёғочсоз-дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), дурадгор (ўқиш муддати — 3 йил), **бадиий ва моделли мебель дурадгори** (ўқиш муддати—3 йил), **қурувчи дурадгор** (ўқиш муддати — 3 йил), **жилва бериш бўйича бўёқчи** (ўқиш муддати—3 йил), **пардозловчи, плита ётқизувчи, мозаикачи** (ўқиш муддати—3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА ҲАМДА ҚАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик ўқишни тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

27-ҳунар-техника билим юрти янги бинога жойлашган. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган, спорт комплексида бокс, кураш, шахмат, шашка, волейбол секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4), 086/Ў формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 4-квартал (19-троллейбус; 58, 40, 75, 98-автобусларнинг «27-билим юрти» бекати).

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/Ў форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

БИРИНЧИ БАҲОР БАЙРАМИГА

Яқин кишингиз учун совға танлаш қийин эмас. Чунки Сиз унинг дидини, нималарга қизиқишини, нимани орзу қилишини биласиз. Совға ҳамкасб аёлга, қариндошингизга, дугонангизга мўлжалланган бўлса, албатта ўйланиб қоласиз, иккиланасиз.

Ҳар қандай ҳолда 8 Март — баҳор байрами эканлигини унутманг. Бу демак, ҳозир ҳар бир аёл баҳорга бирор янги либос кийишни орзу қилмоқда. Шунинг учун энг аввало ёзлик газламаларга эътибор беришни тавсия қиламиз. Шойи газламалар, ип газламалар шулар жумласидандир. Марказий универсал магазинда Марғилон, Наманган, Иваново, Могилёв, Волгоград области тўқимачилик комбинатларининг, хориждан — Ҳиндистон ва Венгриядан келтирилган газламалар бор. Хонатласга эътибор беринг. Бу мато қатор афзалликларга — енгил, майин, чиройли, ёрқин бўёқларга эга. Хонатласдан тикилган кийимда ёзда ҳам исиб кетмайсиз, Чунки у табиий шойидир. Ҳар қандай усулда яхши бурмаланади. Ундан модали костюм, шимли ансамбль, ёзга — кўркам кўйлак, енгил сарафан тиктириш мумкин. Ёзлик либослар учун крепшифон, крепжоржет ҳам жуда мос. Бу газламаларнинг ранги ёз бўёқлари каби анвойи ва турли-тумандир. Ип газламалар — чийдухобалар, кўйлакбоп ва костюмбоп газламалар, сатин, дока маркизет — ҳар хил гуллари билан эътиборни жалб этади. Бўлажак либосга мослаб безаклар харид қилиш мумкин. «Совпластитал» фирмаси ишлаб чиқарган, Польшадан келтирилган ранг баранг зийнатлар мавжуд.



Уй бекасига ошхона анжомларини совға қилиш ҳам ўринли. Механик крем тайёрлагич, картошка тозалагич, зираворлар учун идишлар термаси, пиширириқлар учун қолиплар, тўқима саватчалар, бўйра поёндозлар шулар жумласидандир.

Совға учун атир сотиб олсангиз хато қилмайсиз. Албатта, табиийсидан асло фарқ қилмайдиган атиргуллар, чиннигуллар, лолалар совға қилишни унутманг.

Марказий универсал магазинидан сиз чиройли, байрамга мослаб ўралган тайёр совға термаларини ҳам топасиз. Термалар ичида ёдгорлик буюмлари, сопол буюмлар, атирлар, газламалар бор.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

СОВҒА ЭМАС—ЭЪТИБОР АЗИЗ!

Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март куни муносабати билан Карл Маркс кўчаси бўйлаб жойлашган павильонларда совға молларининг кенг савдоси ташкил этилган.

Қариндош-уруғларингизга, яқинларингизга, таниш-билишларингизга, ёр-дўстларингизга совғаларни Сиз «Ташгалантерейторг»нинг, «Ташкулътторг»нинг, «Ташхозторг»нинг, «Таштекстильторг»нинг, «Тошкент» ва «Болалар дунёси» фирмали магазинларидан, «Чилонзор» марказий универсал магазинидан, Фрунзе савдо марказидан, ГУМ ва ЦУМдан харид қилишингиз мумкин.

Байрамлар ҳамиша ҳаётимизга ёқимли ташвишларни, кутилмаган эзгуликларни олиб келади. Агар 8 Март туғилган кунингиз ёки тўй кунингизга, юбилейингиз ёки уй тўйига тўғри келиб қолса, қувончли қўш байрамга айланади.

Биз қувончимизни яқин ва азиз кишиларимиз билан баҳам кўришга, яхши анъанага амал қилиб, совғалар тақдим этишга одатланиб қолганмиз.





Совға ҳамиша муҳаббат, дўстлик, эътибор рамзи бўлиб хизмат қилган, одамларнинг бир-бирларига самимий муносабатларини ҳар қандай баланд-парвоз сўзлардан яхшироқ ифодалаган.

Агар совға яхши ният билан тақдим этилса, бундан ўзингиз ҳам зўр қониқиш ҳосил қилсангиз, буни бошқалар ҳам тушунишади ва қадрлашади.

Совғанинг қадри унинг нархи билан баҳоланмайди.

Қимматбаҳо совғагина чиройли ва ўринли, деган фикр бор. Бу фикр нотўғри. Энг муҳими — совға дид билан танланган бўлиши керак.

Байрам арафасида сиз совға излаб қоласиз. Шунинг учун вақтингизни бой бермай, Карл Маркс кўчасидаги павильонларга ошиқинг. Бу ерда Сизга турли-туман совғаларни таклиф қилишади.

Шу ернинг ўзида чанқовбосди ичимликлар, шарбатлар, қандолатлар савдоси ташкил этилган.

КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДАГИ МАГАЗИНЛАР 8 МАРТГАЧА ҲАР КУНИ СОАТ 11 ДАН 17 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 да

Хоразм тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон комсомолининг мукофоти совриндори

КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ

Лирик хонандалар ҚЎЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, САНЁРА НАЗИРОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ГАВҲАР МАТЁҚУБОВА, ОДИЛ КАМОЛХЎЖАЕВ. **«Қизиқчи-89» аския кўригининг совриндори** ТОЛИБ ва ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВЛАР. РУСТАМ МАМАДМУРОДОВ

Раққоса ЗУЛФИЯ ЎЗОҚОВА.

Программани Тошкент телевиденнесининг диктори РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ **олиб боради.**

Билетлар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?..»

«ҚИЗИҚЧИ-89» РЕСПУБЛИКА КЎРИГИНИНГ ҒОЛИБИ

ОБИД АСОМОВНИНГ

ЯНГИ ҲАЗИЛ ВА ҲАЖВИЯ ПРОГРАММАСИ

Программада Соҳибжон МАМАСОЛИЕВ ВА Баҳром МАҲМУДОВ қатнашадилар.

Постановкачи-режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори **Абдурашид РАҲИМОВ.**

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22, 23, 24, 25 март соат 16.00 да ва 19.30 да ФАҚАТ 4 КУН

«ДИНАМИК» ГРУППАСИНИНГ БОШҚАРУВИДА ВЛАДИМИР КУЗЬМИН ЎЗИНИНГ

ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Касса — соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-35-87, 44-29-04, 44-18-12.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да Концерт.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Келинлар қўзғолони (19.00), 8/III да **Тақдир эшиги** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 7/III да Гул ва Наврўз (19.00), 8/III да **Табассум оқшоми.** (19.00).

КИНО

7 МАРТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ОҚ СУЯК» (19.00), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ (17, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНОГА АКТЁР ТАНЛАШ» (17, 21.00), «ФАНТОМАС СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (19.00).

К. Ерматов номли — «ГУЛ ВА ТОШ» (18.30, 21.00).

Восток — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.45).

8, 9, 10, 11 МАРТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ОҚ СУЯК» (11, 15, 19.00), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (13, 17, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚЎҒИРЧОҚ» (11, 13.30, 16.00), «КИНОГА АКТЁР ТАНЛАШ» (19, 21.00).

К. Ерматов номли — «ГУЛ ВА ТОШ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«Узагропромстройтеплица» трести жамоаси трестнинг 458-областлараро кўчма механизация колоннаси бошлиги А. К. Ҳўжаевга акаси

Абдумўмин Каримович ҲЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз, комитетлари бирлашманинг бош метрологи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер. У. Р. Маллига отаси

Раҳматилла Холмуродович МАЛЛИНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 03146.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.